



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3.805 (2021)

2023/1

**TA'LIM VA
INNOVATION
TADQIQOTLAR**

**ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH**

TA'LIM VA INNOVASION TADQIQOTLAR
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 1, 2023
yanvar

<p>Muassis: Buxoro davlat universiteti Fan va ta'lim MChJ</p> <p>Bosh muharrir: Ma'murov Bahodir Baxshullayevich</p> <p>Jamoatchilik kengashi raisi: Xamidov Obidjon Xafizovich, Buxoro davlat universiteti rektori</p> <p>Tahririyat kengashi raisi: Maxmudov Mels Hasanovich</p> <p>Mas'ul kotib: Akramova Gulbahor Renatovna</p> <p>Texnik muxarrir: Davronov Ismoil Ergashevich</p> <p>Tahririyat manzili: Buxoro shahar, Q.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy</p> <p>Telefon: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Jurnalning elektron sayti: www.interscience.uz</p> <p>Jurnal OAK Rayosatining 2021 yil 30 sentyabrdagi 306/6-son Qarori bilan PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA, FILOLOGIYA, TARIX FANLARI bo'yicha falsafa doktor (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsifiya etilgan ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan</p> <p>Bosishga ruxsat etildi: 28.01.2023 y. Qog'oz bichimi 60x84 1/8, b/t.12,5. Buyurtma raqami 1.23 «FAN VA TA'LIM» nashriyotida chop etildi. Buxoro shahar</p> <p>Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 raqam bilan O'zbekiston Ommaviy axborot vositalari davlat ro'yxatidan o'tgan</p> <p>Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va 2 oyda 1 marta chop etildi. 2021 yil noyabr oyidan boshlab har oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi</p> <p>«Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar» xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan ko'chirib bosish tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir</p>	07.00.00 – TARIX FANLARI	
	Tўраев А. И. Бухородаги туркманларининг аъанавий турар жойлари ва ундаги замонавий ўзгаришлар	7
	Касим Одинабек Гафури Новый мировоззрений по изучении история Бухарского эмирата	14
	Сагатова З. Б. Туркий давлатлар ташкилотининг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар	20
	Raxmatulloev M. X. Mustaqillik yillarida O'zbekistonda ommaviy axborot vositalari faoliyati tarixi	23
	Худайбердиева Г. Х. Совет ҳокимияти йилларида миллий маданият ривожидagi тўсиқлар ва унинг муаммолари тарихидан.	28
	10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
	Розикова Н. Н. Внедрение компетентностного подхода при изучении дисциплины "Русский язык"	34
	Xolova M. A. Surxondaryo shevalari korpusiga sheva matnlarini ichki tizimga kiritish prinsiplari	39
	Муминова М. А. Ўзбек тилида “Time”/“Вақт” семали бирликлар тадқиқи	46
Хидирова М. А. “Жаҳолат” романи қаҳрамонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни	52	
Санақулов У. Алишер навоий шеърятда лайли ва мажнун тимсоллари поэтик таҳлили	56	
Norov O. Islomiy lirikada modernizm	61	
Karshiev R. Types and structures of interrogative sentences in modern english	66	
Xudoyqulova D. S. Takrorning stilistik xususiyatlari	75	
Норова Н. Б. Усмон қўққор шеърятда табиат тасвири талқини	78	
Masharipova Z. Zebo Mirzo ijodida ishq-muhabbat tarannumi	84	
Адилбекова А. Фонетические аспекты обучения произношению	89	
Наврүзова М. Ф. Афсун-дуоларда лексик бирликлар қамрови ва унда халқ жонли тилининг мавқеи	92	
Nusratova H. Ch. “Ona tili va o`qish savodxonligi” fani bo`yicha yaratilgan darsliklardagi matnlarning mazmuniga qo`yilgan talablar	99	
Чутбаева А. Б. Современные трансформации русских и узбекских пословиц	104	
Arslonzoda A. R. Linguistic and semiotic analysis of the phraseological field of «Clothes» (In the example of english, russian, and uzbek languages)	108	
Ibodova M. Ona tili darslarida badiiy matnlarni o`qib tushinishda lug`atlardan foydalanish	111	

АФСУН-ДУОЛАРДА ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ҚАМРОВИ ВА УНДА ХАЛҚ ЖОНЛИ ТИЛИНИНГ МАВҚЕИ

Наврүзова Муяссар Гайбуллаевна

Бухоро давлат университети Педагогик таълим факультети

Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Қадимий тасаввурлар асосида юзага келган, сўзнинг сеҳр-жоду кучига эгаллиги билан боғлиқ бўлган афсун-дуолар мазмунан теранлиги, тарихий асослари жуда олис замонларга бориб тақалиши, ўзига хос ҳаётий-маиший вазифалари ва халқ таъоботида ижро ўрнига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мақолада ўзбек халқ таъоботида кўз оғриғи, тиш оғриғи, қорин оғриғи, бош оғриғи каби хасталикларга қарши йўналтирилган афсун-дуоларда дуохон ва хасталикни келтириб чиқарган зиён етказувчи образлар ҳақида айтимлар мисол сифатида изоҳланилади. Ундаги тиббиётга оид бирликлар, ранг билан боғлиқ касалликлар, уларга айтиладиган қўшиқлар даво воситаси саналаши изоҳланилади.

Калит сўзлар: афсун, диний-афсулар, заҳар таъсир кучи, сўз сеҳри, «чаён» дейиши ўрнига «сарик эшак», «илон» дейиши ўрнига «хунук нарса» даво билан боғлиқ айтимлар, гулафшон, ранглар билан боғлиқ терминлар

ПОКРЫТИЕ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ЗАПИСАНИЯМИ И ПОЛОЖЕНИЕ В НЁМ ЖИВОГО ЯЗЫКА НАРОДА

Наврүзова Муяссар Гайбуллаевна

*Бухарский государственный университет, Факультет педагогического образования
Методика начального образования преподаватель кафедры*

Аннотация: Заклинания, связанные с магической силой слова, созданные на основе древних представлений, имеют особое значение благодаря своей глубине содержания, своим историческим основаниям, уходящим в очень далекие времена, своим уникальным жизненно-бытовым задачам и своей роли в Народная медицина. В статье в узбекской народной медицине на примере молитв и высказываний о вредных образах, вызывающих болезни, объясняются заговоры, направленные против таких болезней, как боль в глазах, зубная боль, боль в желудке, головная боль. Он объясняет единицы, связанные с медициной, болезни, связанные с цветом, а песни, которые им поются, считаются лекарством.

Ключевые слова: заклинание, религиозные заклинания, действие яда, словесная магия, «желтый осел» вместо «скорпион», «уродство» вместо «змея», поговорки, связанные с лечением, гулафшан, термины, связанные с цветами.

COVERAGE OF LEXICAL UNITS IN SPELLS AND THE POSITION OF LIVING LANGUAGE OF THE PEOPLE IN IT

Navruzova Muyassar Gaybullaevna

Bukhara State University Faculty of Pedagogical Education

Methodology of primary education teacher of the department

Annotation: Spells related to the magical power of words, created on the basis of ancient ideas, are of special importance due to their depth of content, their historical

foundations going back to very distant times, their unique life-household tasks and their role in folk medicine. In the article, in Uzbek folk medicine, incantations directed against diseases such as eye pain, toothache, stomach ache, and headache are explained as an example of prayers and statements about harmful images that cause illness. It explains the units related to medicine, the diseases related to color, and the songs that are sung to them are considered as a remedy.

Key words: spell, religious spells, poison effect, word magic, «yellow donkey» instead of «scorpion», «ugly thing» instead of «snake» sayings related to treatment, gulafshan, terms related to colors.

Ўзбек фольклорининг лексик таркиби унинг жанрлари орқали ифодаланган. Аждодларимизнинг умидбахш орзуларини ўзида мужассам этган фольклор жанрларидан бири афсун-дуолар ҳисобланади. Қадимий тасаввурлар асосида юзага келган, сўзнинг сеҳр-жоду кучига эгаллиги билан боғлиқ бўлган афсун-дуолар мазмунан теранлиги, тарихий асослари жуда олис замонларга бориб тақалиши, ўзига хос ҳаётий-маиший вазифалари ва халқ таъбаотида ижро ўрнига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек фольклоршунослигининг филологик йўналишдаги фан сифатида шаклланиши Х.Зарифов илмий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. У фольклоршунослик амалиётида биринчи бўлиб қоқимчи, азайимхон ва бахшиларнинг даволаш амалларига доир этнофольклористик материалларни қайтарма, бадик намуналарини ёзиб олган. Қадимдан соф илмий медицина вужудга келмаган даврларда кишилар турли хилдаги касалликлардан, тасодифий фалокатлар (илон, қоракурт, чаён чақиши) кабилардан таъбаотдаги афсун-дуолар орқали кутулганлар. Фольклоршунос олима С.Мирзаеванинг «Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти» номли монографиясида халқ афсун-дуолари куйидагича таснифланади. А) диний афсун-дуолар. Бу турдаги афсун-дуолар кишилар орасида кенг тарқалган бўлса ҳам, бироқ улар тарихан халқ афсун-дуоларидан фарқланиб турадилар. Диний афсун-дуолар «Қуръон» ва бошқа муқаддас китоблардан олинган бўлиб, асосан ўқимишли кишилар-муллалар, дин уламолари, эшон ва отинбибилар томонидан ўқилган.

Б) соф халқона афсун-дуолар. Булар ўз илдизлари жиҳатидан халқнинг руҳлар, дастлабки аждодлар ҳақидаги эътиқодий қарашлари билан алоқадорликда вужудга келганлар. Аммо кейинчалик, бир томондан, узоқ даврлар мобайнида турли диний тасаввурлар таъйиқи остида, иккинчи томондан, етмиш йилдан ортиқроқ давом этган худосизлик ғояси таъсирида халқ афсун-дуоларининг каттагина қисми истифода этилмай аста-секин унутила бошланди. Бу хилдаги афсун-дуолар илмий адабиётларда «шомон фольклори», «шомон айтимлари» ҳам деб юритилади.

Халқ афсун-дуоларига хос жанр аломатларидан яна бири уларнинг ҳамма вақт буйруқ, (императив) оҳангида ижро этилиши саналади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ўртасида кенг истифода этиладиган исталган афсун-дуони олманг, унда ҳамма вақт кескин буйруқ оҳанги мавжудлигини кўрамиз. Масалан, қоракурт чаққанда ўқиладиган афсун-дуодан келтирилган куйидаги парчада ҳам асар матни кескин буйруқ оҳанги билан яқунланади:

Ола ғундол, бало ғундол, Кал келди, кади келди.

Пайғамбарнинг сўзи билан Худойимнинг амри билан.

Арбайтиган олим ўзим, Қўймайтиган золим ўзим.

Куф-суф, чик, куф-суф, чик!

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, қушноч (даволовчи) бемор баданига жойлашиб олган зиён-заҳмат билан курашга киришар экан, энг аввало яратувчи тангрига, кейин анбиё ва авлиёларга, турли касб-хунарларнинг пирларига мурожаат қилиб, улардан мадад тилайди.

Алас-алас, пок қилгин, Алас-алас, пок қилгин.

Зиёнлардан холос эт, Заҳматлардан холос эт.

Алас-алас, алас-алас, Қон тиласанг қон берайин,

Жон тиласанг жон берайин, Бу бечорани қўй тегма.

Бу бечорадан кет, тегма! Алас-алас, алас-алас.

Алас-алас қилиш пайтида айtilган асосий матн юқоридагидек бўлиб, у қушноч ўйинларининг мазмунини ойдинлаштиради. Бу мазмун эса бемор танасидан ёмон руҳларни қувиш ва уни соғайтиришга даъват этишдан иборат. Албатта, ўтмишда алас-алас маросими пайтида ижро этилган айтимлар ранг-баранг бўлган бўлиши лозим. Аммо бизга қадар улар тўла ва ўз шуқуҳида етиб келмаган

Маълумки, ибтидоий кишилар қорақурт, чаён, илон ёки бошқа ҳашорат, махлуқлар чақиши оқибатида киши танасига киритилган заҳарни касаллик сифатида тасаввур қилганлар. Бу касаллик эса маълум бир сеҳрли нафасга эга бўлган кишилар амрига бўйсунди деб қаралган. Мана шунинг учун ҳам авровчилар ўз афсунлари ижросида ўзи ёки бошқа авлиё, пирлар мададига бўйсуниб зиён-заҳматни, касалликни киши танасини тарк этишга даъват этадилар. Аслида эса бемор танасига киритилган заҳар таъсир кучининг сустрлашиши ёки унинг бутунлай танани тарк этиши авровчининг хатти-ҳаракати, сўз терапияси, руҳий ҳолати орқали зарар кўрган киши руҳиятига таъсир кўрсатиши, унинг организмида заҳарга қарши курашувчи ҳолатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Афсун-дуоларнинг фольклорнинг мустақил жанр сифатидаги ўзига хосликлари уларнинг образлари таркибида ҳам унга қарши айтиладиган айтимлардаги сўз сеҳрида ҳам кўзга ташланади. Бу образлар эса афсун-дуонинг кимга ёки нимага қарши йўналтирилганлигига қараб турлича кўринишга, сифатга эга бўлади.

Ўзбек халқ таъобатида кўз оғриғи, тиш оғриғи, қорин оғриғи, бош оғриғи каби хасталикларга қарши йўналтирилган афсун-дуоларда дуохон ва хасталикни келтириб чиқарган зиён етказувчи образлари ўртасидаги кураш ифодаланади.

Хуллас, афсун-дуонинг касаликка қарши йўналтирилганлиги ёхуд нима ёки кимни ёқлашга қаратилганлигига қараб уларда иштирок этувчи образлар таркиби, уларнинг функциялари ҳам ўзгариб борадики, бундай ҳолат халқ таъобатида хос бўлган хусусият саналади.

Авраш афсунларида муқаддас “Қуръон”дан олинган суралар билан бир қаторда қадимий мажусийликка алоқадор дуолар ҳам ўқилади. Улар бизнинг назаримизда, қадимги санскрит тилидан қолган бўлиб, тушунмай ижро этиш оқибатида жуда кўп сўзлар нотўғри шаклларга тушиб қолган. Шунинг учун уларнинг мазмунини шарҳлашнинг имкони йўқ.

Ари чакқанда ўқиладиган афсун-дуонинг бир намунаси фольклоршунос Б.Саримсоқов томонидан 1986 йилда Аҳмаджон Сойибназар ўғлидан ёзиб олинган бўлиб, бу афсун матни тожик тилидадир: «Зара ҳаста залил, ранг ҳасту хумор, миён басту халал замбур, мо бадохан, ту бокунат магази, куф-суф, чиқ-чик». Матннинг ўзбекча таржимаси қуйидагича мазмунни англатади: “Сап-сарик рангинг бор, бу ранг кишининг кўнглини айнитади, бела бўғиқ сарик ари, биз оғзимиз билан чақамиз, сен эса орқанг билан чақасан, куф-суф, чиқ- чиқ”.

Маълум бўладики, афсун ўзбек тилига таржима қилинса, оддий гаплар

йиғиндисига айланиб қолади. Шунинг учун ҳам афсунларнинг ҳеч ким тушунмайдиган тилларда бўлиши уларнинг беморга кўрсатадиган руҳий таъсир кудратини орттиради ва афсун-дуоларда сеҳрлилик, жоду кудрати сақланишига шоҳид бўламиз.

Афсун-дуоларнинг жуда ҳам қадимийлигини тасдиқловчи манбалардан бири уларда лексик бирлик ва у ифодалаган нарса ўртасидаги боғланишнинг характери ҳисобланади. Шакл ва мазмун ўртасидаги боғлиқлик муносабати, бошқача айтганда, сўзда нарсани, нарсада эса сўзнинг ўзини қурган. Шунинг учун ҳам бирор нарсанинг номини айтишдан кўрқиб, уни бошқача атамалар билан атаган. Чунончи нарсанинг номи унинг ўзини чақирган ва чақирилган нарса кишига зиён етказди, деб тасаввур қилинган. Халқ ўртасида «чаён» дейиш ўрнига «сарик эшак», «илон» дейиш ўрнига «хунук нарса» дейиш каби таъқиқлар бевосита ана шундай қарашлар билан боғлиқдир. Халқ афсун-дуоларида бундай тадқиқ ва ўзгача номлашлар муайян даражада сақланиб қолган.

Юқорида келтирилган мисолдаги биринчи гапда «ари» сўзи ўрнида «зард ҳасти залил» деб унинг ранги ва заҳарли эканлигига ишора қилинган. Иккинчи гапда эса ари «замбур» деб айтимокда, аммо у ўзбеклар учун тушунарли бўлмаган тожик тилида ифодаланган, кейин унинг бели ингичкалигига ишора қилинган. Учинчи ва тўртинчи гапларда эса арига хос орқаси билан найза санчиш хусусияти ҳақида сўз юритилган. Демак, афсун-дуолардаги сўз ва у ифодалаган нарса билан узвий боғлиқлик тушунчаси ибтидоий кишилар тафаккури, онги ва дунёқараши билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Қизилча, сув чечак, бадик ва шунга ўхшаш тошмалар тошганда ўтказиладиган маросим ва бадик айтимлари, уларнинг “бадик”, “гулафшо”, “чечак”, “қизамиқ” каби атамалар билан юритилиши, айтимларнинг мазмуни ва бадий хусусиятлари ҳақида Б.Саримсоқов батафсил тўхталган.

Фрезернинг кўрсатишича, афсун-дуолар, алас айтимлари, тақлидий сеҳр ибтидоий кишилар тасаввурича, кишиларни турли хасталиклардан халос этишда катта ёрдам беради. Масалан, қизарганда қизил, сарик касалда сарик нарсанинг, кўз оқарганда оқ нарсанинг хасталикни ўзига тортиб олиши фойда етказар эмиш .

Халқ табобатида ранглар билан боғлиқ бир қатор касаллик номлари мавжудки, улар ҳам халқ томонидан касалликнинг рангига, ҳолатига, юқумлилига қараб номланган. Бугунги кунда бу атамаларнинг айримлари тиббий терминлар кўринишида талқин қилинади. Масалан, сарик (гепатит) касаллиги, сарик тана касаллиги, пес ёки оқ (вителиго) касаллиги, оқ қон касаллиги, қизилча, гул (краснуха) касаллиги, қизамиқ (чечак) касаллиги, қизил ясси темиртки касаллиги, қорасон (гангрена) касаллиги, қорақурт касаллиги, қўқийўтал касаллиги бу атамаларни яна давом эттиришимиз мумкин. Бундай касалликларни даволашда билан боғлиқ маросимларда айтиладиган афсун-дуоларда рангларга эътибор кучлилигини қуйидаги мисол воситасида ҳам тасдиқлаб ўтиш мумкин

Сафед бод, сиё бод,
Сурх бод, буро бод.
Кабўт бод, зард бот,
Сиё бод, буро бод.
Аф чик, суф чик,
Чик, чик, чик.

Ушбу шеърӣй шаклдаги гулафшон айтимида сафед-оқ, сиё-қора, сурх-қизил, кабу́т-кўк, зард-сарик беш хил рангга мурожаат қилинган. Уларнинг ҳажми ҳар хилдир. Асосий мазмуни эса бемор баданидан касалликни қувиш, кўчиришга қаратилган. Шу сабабли унда «кўч» буйруқ феъли кўп бора такрорланиб келади ва гулафшоннинг кўчиши учун аниқ манзиллар айтилади:

Туялар билан силайман,
Кўлингга бор,
Чўлингга бор,
Кўч, кўч, кўч.
Қатор-қатор туяларга бор,
Кўч, кўч, кўч.
Етти хил томирингни кесаман,
Кўч, кўч, кўч.
(Пичоқ билан ҳавода кесиш ҳаракати қилинади).
Уч мартага қайтмасанг,
Юзинг қаро, гулафшон.

Кўриняптики, гулафшонхонлик уч кун (уч марта) давом эттирилган. Гулафшонни даволашда етти номдаги жонзотнинг қони шифобахш саналган. Шунинг учун гулафшон айтимларининг охирида, одатда:

Етти хил жонзот айтаман:
Тўнғиз, каптар, эчки, қўй,
Сигир, мусича, маймун, – дейилади.

Шундай бўлса-да, гулафшонхонлар кўпинча беморларни даволашда қизил товукнинг қонидан фойдаланишади. Қонга қон, жонга жон бериб, беморни “айирбошлаш”га уринишади:

Қон бераман, жон бераман сенга,
Кўч, кўч, кўч.
Етмиш икки томирингни кесаман.

Гулафшон айтимида кўпинча дўқ-пўписа, мурожаат, қарғиш оҳанги етакчилик қилади:

Юртингда тўй бўлибди,
Кўзингга курт тушибди.
Уйинг куйсин, гулафшон,
Томиринг қурисин, гулафшон.

Гулафшонни халқ жонли мавжудот кўринишида тасаввур қилиши боис унга алоқадор матнларда жонлантириш асосий вазифани бажариб келади:

Она қизим, гулафшон,
Момо қизим, гулафшон.
Чўлларга кет, гулафшон.
Яхши келиб, яхши кетгин, гулафшон.
Томнинг тубига кет, гулафшон.
Қўйнинг қулоғига кет, гулафшон.
Эчкининг шохига кет, гулафшон.
Яхши келибсан, яхши кет, гулафшон.

Халқнинг мифологик тасаввур-тушунчасига кўра гулафшон чиқишига Қизил момо руҳни ранжитиш сабаб бўлиши айтилади. Қизил гул бу момо руҳнинг манзил-макони саналади. Шу тасаввур-тушунчалар гулафшон айтимида хам сингдирилган:

Гулафшон гулда бўлар,

Лекин одамда бўлар.
Чўлларга бор, кўлларга бор,
Қорни катта бойларга бор.
Она қизим, гулафшон,
Биби қизим, гулафшон.

Гулафшон инсон баданига майда қизил тошмалар тошиши муносабати билан айтиладиган айтимлар бўлгани учун уларда, асосан, қизил сифатловчи аниқловчилик бирикмаларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан:

Қизил отга миндирай,
Кўк далага шошдирай.

Бундан кўриниб турибдики, халқимиз сўздан қудратли калом дори, малҳам сифатида фойдаланган. Даво билан боғлиқ айтимлар, дуолар, касалликлар муолажаси учун бажариладиган маросим айтимлари шулар жумласидандир.

Қадимги ирим-сирим ва инончларнинг халқ турмуш тарзида сақланиб қолган «акса уриш» билан боғлиқ халқ қарашлари ва у билан боғлиқ айтим ҳамда аломатларни мисол сифатида келтириб ўтамыз.

Э.Тайлорнинг “Ибтидоий маданият” асарида ёзилишича, Африкадаги зулус қабиласида бирор киши акса урса “Менга “идхлози” (яъни “аждоқлар руҳи”)дан дуо-олқиш келди. Ота-боболаримнинг арвоқлари менинг хузуримга келдилар, энди мен уларни алқаб, дуо ўқишим лозим. Чунки улар акса урдириш орқали мендан дуо талаб қилмоқдалар” деб, мол-ҳолига барака, болалари ва аёлига соғлиқ тилар экан. Уларнинг назарида хаста одамнинг акса уриши - унинг ҳомий руҳлар мададида касалликдан фориғ бўлаётганлигидан далолат беради.

Зулус қоҳинлари эса одамни акса уришга мажбур қиладиган кучни “Итонго” дейдилар. Халқ қарашларига кўра, бирор одамнинг ичига Итонго кириб олса акса урдиар ва шу боис, акса урган киши дарҳол “Итонго!” деб унинг номини тилга олиши керак эмиш.

Гвинеяда эса қабила оқсоқоли аксирса, унинг қавмдошлари дарҳол чўкка тушган куйи ерни тавоф қилганлар ва қафтларини бир-бирига уриб чапак чалиб оқсоқолнинг соғ-саломат бўлишини тилашган.

Полинезияликлар орасида эса ёш гўдак аксирса “Соғ бўл!”- дейилади. Э.Тайлор “аксириш” билан боғлиқ бу каби ирим-сиримлар жаҳоннинг кўпгина халқларида мавжудлигини қайд қилади ҳамда унинг тарихий асосларини эзгу ва ёвуз руҳлар тўғрисидаги мифологик тасаввурларининг қолдиқ ҳолда етиб келган кўринишларидан бири, деб ҳисоблайди.

Илмий асосларга кўра, Пенсилвания университети олимлари одамнинг акса уриши масаласида алоҳида тадқиқот ташкил этишди. Тадқиқот ёрдамида одам учун акса уришнинг нима зарурати борлиги аниқланди. Маълум бўлишича, инсоннинг бурун ичкарасида шундай майда микроскоп ёрдамидагина кўрса бўладиган толалар мавжуд экан. Худди ўшалар бизни акса уришга мажбур этади. Лекин бу жараён шунчаки содир бўлмайди. Агар одамнинг бурун ичкарасида шамоллаш аломатлари бўлса, акса уриш ёрдамида бурундаги барча тўқималар функцияси янгилаб олинади. Ундай шамоллаш аломати «Синусит» деб аталади. Бунга қадар тўқималар фаолияти сустлашиб ёки ёмонлашиб, одам учун хавфли ҳолатларни келтириб чиқаришга мойил бўлиб қолади. Акса урганда худди ўша хавф ортга чекинади. Бурундаги тўқималар фаолияти меъёрий ҳолатига қайтади.

Чиндан ҳам “акса уриш” билан боғлиқ бу каби эътиқодлар ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан сақланиб келганлиги боис, бирор киши аксирганда унинг ёнидагилар “Соғ булинг!”, “Саломат бўлинг!” дейдилар. Энг ишонарлиси

ҳозирда ҳам бетоб тузалишидан олдин аксирса, “энди соғаясан” дея унга далда берилади.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида эса ёш бола беҳосдан акса урса “Пир бўлсин! Бува бўлсин!” - дейдилар. Бу билан бола соғ-саломат униб-ўссин деган эзгу ният ифодаланади.

Дарҳақиқат аксириш билан боғлиқ бундай қарашлар ҳалқимиз томонидан ҳозиргача сақланиб қолган. Акса уриш натижасида организмдаги ғуборлар ташқарига чиқиб, биз енгил торта бошлаймиз. Бу эса халқ табобатида ҳам илоҳий кучга эга эканлиги билан изоҳланади ва ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Умуман олгандан ўзбек фольклор тилида турли жанрлар қамровида тиббий сема билан боғлиқ халқ ижоди намуналари борлиги аниқланди. Турли ҳашоратлар, илон, қорақурт, чаён кабилар чакқанда ўқиладиган афсун-дуолар, қай даражада бўлмасин, ҳозирга қадар сақланиб қолган, уларни тўплаш, маълум тўпламлар ҳолида чоп этиш лингвофольклоршуносларимизнинг ҳозирги кундаги муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Саримсоқов Б. Сўзнинг магик кудратига асосланган маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.170-186.

Мирзаева С. «Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти» Монография. Тошкент. 2005. С. 67.

Турдимов Ш. Лирик кўшиқларда рамз // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982, №3. Б.16-19.

Тоғаева Д. Инс-жинслар ҳақидаги ўзбек оғзаки ҳикояларининг образлар системаси. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2006. – №6. – Б.44-47.

Чайко Т. Н. Названия частей тела как источник метафоры в апеллятивной и ономастической лексике // Вопросы ономастики / № 8-9. – Свердловск, 1974. – С. 98-106.

Ўраева Д. Гулафшон айтимларининг айрим бадий хусусиятлари. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 2013. – 2-сон. – Б.42-45.

7. Гайбуллаевна Н.М.(2021). LINGUCULTUROLOGICAL PROPERTIES OF MEDICAL UNITS OF UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business & Government, 27.

8. Гайбуллаевна Н.М. (2021). Fundamentals of medical terms formation in uzbek language. Middle European Scientific Bulletin, 12, 488-491.

9. Наврузова М.Г. (2021). Lexical-semantic features of some medical linguistic units. Scientific reports of Bukhara State University, 5(2), 135-142.

10. Гайбуллаевна, Н. М. Etymology of Uzbek Medical Terms. JournalNX, 7(06), 169-171.

11. Наврузова М.Г. (2021). ХАЛҚОНА ТИББИЙ БИРЛИКЛАРДА МАЪНО КУЧИШ УСУЛЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(CSPI conference 1), 1487-1491.

Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6 октябрда ўтган.

Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади.

Журналнинг ҳажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика, физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фалсафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари, география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичига олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Республикаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий ва махсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация, интеграция, Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий ва кадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; узлуксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартлари; ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 28.01.2023. Буюртма №1.23.
«Fan va ta'lim» босмахонасида чоп этилди.

ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (P)



9 772181 170902

